

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИШМУХАМЕДОВА РАЪНО ЧОРИЕВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ТЕЗПИШАР ЧИЛЛАКИ НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Ишмухамедова Раъно Чориевна**

Буғдойнинг тезпишар Чиллаки нави ҳосилдорлигига экиш муддатлари  
ва озиклантириш меъёрларининг таъсири..... 3

**Ишмухамедова Раъно Чариевна**

Влияние сроков посева и нормы питания на урожайность  
пшеницы скороспелого сорта Чиллаки..... 21

**Ishmukhamedova Rano Chariyevna**

Influence of sowing period and the rate of nutrition on the yield  
of early-ripening of the wheat sort Chillaki..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИШМУХАМЕДОВА РАЪНО ЧОРИЕВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ТЕЗПИШАР ЧИЛЛАКИ НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx127 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ирназаров Исматулла**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Назирбай Мадримович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Худайқулов Жонибек Бозарович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: riim@agro.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё кишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган ғаллачиликда ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ресурстежамкор технологияларни жорий этиш орқали буғдой етиштираётган АҚШ, Франция, Австралия, Россия давлатларида буғдой салмоғининг деярли 70 фоизини олишга эришилмоқда.

Дунёда буғдойдан юқори дон ҳосили етиштиришда, аввало экин майдонларининг тупроқ-иқлим шароитларини ҳамда навларнинг генетик, биологик ҳамда тезпишарлилик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, буғдойнинг тезпишарлилик хусусиятидан фойдаланиб ўрнига мош, тарик ва бошқа такрорий экинлар экиб, ҳам ушбу қисқа кунли (такрорий) экинлардан мўл ҳосил олиш, ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятларини яратувчи интенсив технологиялар ишлаб чиқилмоқда<sup>1</sup>. Ушбу интенсив технологиялар ёрдамида буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Шу жиҳатдан, буғдой уруғини мақбул муддатда экиш ҳамда буғдой ўсимлигининг талабига кўра минерал ўғитлар билан озиклантириш режимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда буғдойни хорижга экспорт қилиш мақсадида кузги буғдой етиштиришда, айниқса, экиш ва озиклантириш масалалари бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳар бир тупроқ-иқлим минтақаси шароитида кузги буғдойнинг ҳар бир навини экиш муддатлари, озиклантириш меъёр, муддат ва нисбатларини илмий, амалий аҳамиятини асослаб бериш, ишлаб чиқаришга муҳим тавсиялар бериш ғаллачилик соҳасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>ги Фармонида «3.3...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республика тупроқ-иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари навлари бўйича илмий-тадқиқот

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/ru/#data/QC>; <https://www.thebalance.com/wheat-planting-and-harvest-seasons-809321>; <https://www.cropnutrition.com/winter-wheat-fertilization>

<sup>2</sup> 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

ишларини кенгайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги мавжуд кенг имкониятдан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сон ва 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотни республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришда экиш муддати билан озиқлантириш меъерини уйғунлаштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор хорижлик ва маҳаллий олимлар, жумладан, Ф.М.Пруцков, И.П.Осипов, И.И.Василенко, А.М.Казачков, Ғ.К.Қурбонов ва М.Умарова, Н.Халилов, В.Б.Лебедев, Р.Сиддиқов, Т.Неъматов, П.Бобомирзаев, Б.Холиков ва хорижда D.Boyadjieva, M.Mangova, Darshan L. Sharma, Mario F. D'Antuono, Diogenes L. Antille, Richard J. Godwin, Ruben Sakrabani, Saman Seneweera, Sean F. Tyrrel, A. Edward Johnston, D.Fowler, L.Hlisnikovský, E.Kunzová, I.Stoeva каби олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Чиллаки» навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига экиш муддатлари ва озиқлантириш меъерлари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01.990007239 рақамли «Экинлар ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг агробиотехнологик диагностикаси» (1999-2018 йй.) мавзусидаги, А-8-086 рақамли «Бир йилда икки марта дон ҳосили етиштиришда бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш технологиясини ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.) мавзусидаги, ЁА-06-03 рақамли «Кузги буғдойнинг тезпишар ва ўртапишар навлари ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва озиқлантириш меъерларининг таъсири» (2016-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё вилоятининг табиий шароити ноқулай (шамол эрозиясига учраган) чўл ҳудудларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Чиллаки» навини экиш

муддатлари ва маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг дон ҳосили ҳамда сифатига таъсирини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида турли экиш муддатлари ва минерал ўғитлар (Р ва К) билан озиклантиришни кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлигига, тупланиши, қишлашидан олдин курук массаси ва туплаш бўғинида шакар тўплашига таъсирини ўрганиш;

турли экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиклантиришни кузги буғдой майсаларининг қишга чидамлилиги, барг сатҳининг шаклланиши, фотосинтетик потенциали, фотосинтетик соф маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойни турли муддатларида экиб ва минерал ўғитлар билан ҳар хил меъёр ва муддатларда озиклантиришнинг бошқонинг биометрик кўрсаткичлари, дон чикими ва ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш;

турли экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиклантиришни кузги буғдой донининг физик-технологик ҳамда биокимёвий сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» навини экиш муддатлари ва озиклантириш режимини бир-бирига мутаносиблаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари, ҳар хил муддатларда экилган кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» нави, минерал ўғитлар меъёрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» навининг экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларини аниқлаш, ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлилиги, ҳосилдорлиги, доннинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», “Дала тажрибалари ўтказиш услублари” услубиятлари бўйича ўтказилди. Олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубияти асосида дисперсион усулда математик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари ноқулай (шамол эрозиясига учраган) чўл ҳудудларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг мақбул экиш муддати аниқланган;

кузги буғдойнинг тезпишар навидан салмоқли ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайдиган мақбул озиклантириш режими ишлаб чиқилган;

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрининг кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири асосланган;

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг тезпишар навларини азотли ўғитлар билан озиклантиришнинг дон

шаклланишига таъсири аниқланган ҳамда энг мақбул озиклантириш меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Қашқадарё вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитларида кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» навини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрининг таъсири илмий асосланган;

кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёридан оширилган ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) меъёрда озиклантирилганда, кечиктириб (15.XI) экишга нисбатан тупланиш даражаси 11,2 % гача, майсаларнинг сақланиш даражаси 5,9 % гача ошиб борган;

ўсиш ва ривожланиш даврининг давомийлиги 4–5 кунгача қисқариши, битта бошоқдаги дон массаси 0,2 г, дон чиқими 1,0 % гача, барг сатҳи, соф маҳсулдорликнинг ошиб бориши натижасида NPK ҳисобига олинган дон ҳосилининг 30,3 ц/га гача, мақбул муддатда экиб ва оширилиб озиклантирилиши ҳисобига 11,2 ц/га гача ошиши билан бирга дон сифатини белгиловчи 1000 та дон вазни 2,7 г, натура оғирлиги 20 г/л, шишасимонлик даражаси 10 %, оксил 0,9 % ва клейковина 1,8 % гача ошиши аниқланган;

кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави турли муддатларда экилиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёридан ошириб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) озиклантирилганда минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан олинган соф фойда 148003 сўм/га, рентабеллик 16,3 % ни ташкил этган, мақбул муддатда экиб, озиклантирилиши ҳисобига олинган соф фойда эса 111599 сўм/га, рентабеллик эса 26,9 % гача ошиши тадқиқотлар натижаларининг муҳим амалий аҳамиятга молик эканлигини кўрсатди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотларидан олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, аниқланган ҳар бир қонуният ва хулосаларнинг асосланганлиги, тажрибалар ҳар йили мутахассис олимлар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги унинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари ноқулай бўлган чўл ҳудудларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг тезпишар навларини етиштириш учун тупроқ-иқлим шароити ва навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экиш муддатлари, минерал ўғитлар меъёрларини ва уларнинг ўзаро таъсирини илмий



асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари ноқулай бўлган чўл ҳудудларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида таннархи арзон, юқори ҳамда сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрларини илмий асосланган агротехнологик тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» нави ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» навининг мақбул экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларини қўллаш юзасидан «Жанубий минтақалар шароитида кузги буғдойнинг тезпишар навлари ҳосилдорлигини оширишда мақбул экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрлари бўйича тавсиялар» тавсияномаси ишлаб чиқилиб, фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2018 йил 14 апрелда тасдиқланган). Бунинг натижасида гектаридан қўшимча 111-148 минг сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 16,3-26,9 % гача ошган;

кузги буғдойнинг тезпишар навларини мақбул муддатларда экиш натижасида юқори ҳосилдорликка эришиш ва дон сифатининг яхшиланиши агротехнологияси Қашқадарё вилоятининг Қарши, Ғузор, Косон туманларида 2008 йилда 188 гектар, 2009 йилда 186 гектар, 2010 йилда 213 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги №02/21-554-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойнинг униб чиқиши, тупланиши, туплаш бўғинида шакар тўплаши, ўсимликларнинг қишлаб чиқиши, ҳосилнинг шаклланиши, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари (1000 та дон массаси, натура оғирлиги, шишасимонлик даражаси, оқсил ва клейковина миқдорлари) яхшиланган ва ҳосилдорлик гектарига 10-11 центнергача ошган;

кузги буғдойнинг озиклантириш режими (меъёрлари ва муддатлари) мақбуллаштирилган агротехнология Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида кенг майдонларга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги №02/21-554-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир хилдаги тўлиқ ва бўлиқ дон ҳосили шаклланган ҳамда гектаридан 165-276 минг сўмгача соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 39-65 % гача ошиб борган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари жами 5 марта, шундан 3 марта халқаро ва 2 марта республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ҳамда Қарши

муҳандислик-иқтисодиёт институти “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси ва “Агробиотехнология” номли илмий семинари қўшма йиғилишида эшитилиб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриётида 1 та монография, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 4 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг кузги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдорлиги, дон сифатига таъсирини назарий таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган. Жумладан, кузги юмшоқ буғдойнинг экиш муддатларининг табиий омилларга боғлиқлиги ҳамда уни экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг ўзаро таъсири бўйича республикамиз ва хорижда ўтказилган илмий-тадқиқотлар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари батафсил ёритилган.

Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Хожи Хидир» фермер хўжалигида 2005–2007 йилларда ўтказилганлиги, бу ҳудудлар Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари минтақаси ҳудуди бўлиб, механик жиҳатдан ўрта қумоқ тупроқли ерлардан иборат эканлиги, бу тупроқлар Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Косон туманларида кенг тарқалганлиги, сизот сувлари сатҳи 3–5 м бўлиб, турли даражада минераллашганлиги (Л.Турсунов ва бошқалар, 2008) қайд этилган.

Тажриба ўтказилган йилларда тажриба майдонининг суғориладиган бўз-

Ўтлоқи тупроқларида азот, фосфор ва калий миқдори камлиги, гумус миқдори ўзлаштирилмаган кўриқ тупроқлардагига нисбатан қалинроқ эканлиги, тупроқнинг 0–30 см ҳайдов қатламидаги гумус 0,912 %; азот 0,098 %; фосфор 0,132 % ва калий 1,137 % ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида гумус 0,683 %; азотнинг ялпи миқдори 0,081 %; фосфор 0,105 % ва калий 0,988 % ни ташкил этганлиги баён этилган. Озиқа элементларининг нитрат шакли ҳайдов қатламида 8,1 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 7,2 мг/кг, ҳаракатчан фосфор мувофиқ равишда 12,3–7,8 мг/кг, калий 163,0–130,2 мг/кг бўлганлиги кузатишган.

Таҷриба икки омилли, яъни кузги юмшоқ буғдойнинг экиш муддати, озиклантириш меъёри бўйича қуйидаги таҷриба тизими асосида олиб борилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Таҷриба тизими**

№	Вариантлар	Экиш муддати	Озиклантириш муддатлари, кузги буғдойнинг ривожланиш фазалари бўйича, кг/га				
			экиш олдида		туплаш, N - 35%	найчалаш, N - 35%	бошоқлаш, N - 30%
			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O			
1	Ўғитсиз (назорат)	15.X	-	-	-	-	-
2	Ўғит: N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub> кг/га		70	50	52,5	52,5	45
3	Ўғит: N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> кг/га		90	60	63	63	54
4	Ўғит: N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub> кг/га		110	70	73,5	73,5	63
5	Ўғитсиз (назорат)	1.XI	-	-	-	-	-
6	Ўғит: N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub> кг/га		70	50	52,5	52,5	45
7	Ўғит: N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> кг/га		90	60	63	63	54
8	Ўғит: N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub> кг/га		110	70	73,5	73,5	63
9	Ўғитсиз (назорат)	15.XI	-	-	-	-	-
10	Ўғит: N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub> кг/га		70	50	52,5	52,5	45
11	Ўғит: N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub> кг/га		90	60	63	63	54
12	Ўғит: N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub> кг/га		110	70	73,5	73,5	63

Минтақа шароитида таҷриба ўтказилган йилларда ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 308 мм бўлиб, нисбий намлик 41 %, совуқсиз кунлар йиғиндиси 213 кун, ўртача ҳаво ҳарорати +15,8 °С, +10 °С дан юқори бўлган ҳарорат йиғиндиси 2804 °С ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Гумус миқдори И.В.Тюрин усулида; умумий азот, фосфор ва калий И.М.Мальцев, Л.П.Гриценко усулида; нитрат азоти ион-селектив усулида; ҳаракатчан фосфор 1 % ли аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотометрда П.В.Протасов усулида аниқланган.

Буғдойнинг кузги амал даврида 1 м<sup>2</sup> майдончада униб чиққан ўсимликлар сони, униб чиққанидан туплашгача бўлган кунлар, туплаш бўғинининг ер устки қисмига нисбатан жойлашиш чуқурлиги каби кўрсаткичлар аниқланган. Бу даврда буғдой майсаларининг қишлашидан олдин 100 та ўсимликда тўпланган қуруқ модда ва туплаш бўғинида тўпланган шакар (сахароза) Х.Н.Починокнинг титрлаш усулида аниқланган.

Фенологик кузатишлар учун буғдойнинг униб чиқиш, туплаш, найчалаш, гуллаш, бошоқлаш ва донининг пишиши (сут, мум, тўлик) фазалари белгиланиб, фазаларни бошланиши 10 %, тўлик даври 70 % ўсимликларда содир бўлганда белгиланган. Фенологик кузатишлар белгиланган 25 та ўсимликда олиб борилган.

Барг сатҳи миллиметр қоғози билан Миллер усулида, фотосинтетик соф маҳсулдорлик Г.Д.Мустақимовнинг ярим барг усулида аниқланган.

Кузги буғдойнинг қишлашидан кейин сақланиб қолган ўсимликлар сони 1 м<sup>2</sup> майдончада дона ва дала унувчанлигига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланган.

Ҳосил структураси, дон чиқими ҳар бир тажриба вариантдан олинган боғламларда аниқланган. Дон ҳосилдорлиги тажриба вариантлари бўйича 1 м<sup>2</sup> майдончада гектарга айлантириш йўли билан аниқланган.

1000 та дон массаси, натура оғирлиги ва шишасимонлик даражаси, клейковина миқдори тегишли ГОСТлар бўйича, дон таркибидаги оксил Къелдалья усулида аниқланган.


Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг дисперсион усулида математик таҳлил қилинган. Дала тажрибалари вариантларининг такрорланишлари бўйича энг катта (M) ва энг кичик (m) фарқлар аниқланган. Тажриба вариантлари бўйича ҳосилдорлик маълумотлари асосида иқтисодий самарадорлик қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси бўйича таҳлил ўтказилган ва тажрибанинг яхши натижа берган варианты бўйича ишлаб чиқариш синови ўтказилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойнинг «Чиллаки» навини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқлиги» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой уруғларининг лаборатория ва дала унувчанлиги, тупланиши, туплаш бўғинида шакар тўплаши, қишга чидамлилиги, ривожланиш фазалари, барг сатҳининг ўсиши, фотосинтетик потенциал ва маҳсулдорлиги, бошоқнинг биометрик кўрсаткичлари, дон чиқими, ҳосилдорлиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичларига турли экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсири баён этилган.

Кузги буғдойнинг «Чиллаки» навининг тўлиқ дала унувчанлиги таҳлил қилинганда буғдой уруғлари 15 октябрда экилганда 6 кундан тўлиқ униб чиқиб, 1 ва 15 ноябрларда экилганида 7 ва 8 кунларда униб чиққанлиги аниқланган.


Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави мақбул муддатда экилиб (15.X) минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $P_{90}K_{60}$  кг/га) ва тавсия этилган меъёрига нисбатан оширилган меъёрларида озиклантирилганида ( $P_{110}K_{70}$  кг/га) майсаларнинг униб чиқиши билан тупланиши ўртасидаги давр 13–14 кунни ташкил этган. Октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитлар билан меъёрида ( $P_{90}K_{60}$  кг/га) озиклантирилса, туplash бўғини бирмунча юзароқ, яъни 2–3 сантиметрда жойлашиши, кечки муддат (15.XI)да экилганда тупроқнинг 3–4 см қатламида жойлашиши аниқланган. Шу билан бир қаторда, «Чиллаки» нави эрта (15.X) экилиб, меъёрида озиклантирилганида тупланиш даражаси ҳам назорат вариантыга нисбатан 0,5 донагача ёки 11,2 % гача ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотларимизда октябрь ойининг ўртасида (15.X) минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $P_{90}K_{60}$  кг/га), тавсия этилган меъёридан камайтирилган ( $P_{70}K_{50}$  кг/га) ва тавсия этилган меъёридан оширилган ( $P_{110}K_{70}$  кг/га) меъёрлари фонларида етиштирилган майсаларнинг қишладан олдинги 100 та ўсимликда тўплаган қуруқ моддалар миқдори ноябрь ойининг бошида (1.XI) ва ўртасида (15.XI) экилгандагига нисбатан 50% гача юқори бўлиши аниқланган (1-расм).



**1-расм.** Кузги буғдойни «Чиллаки» навининг кузги амал даврида қуруқ модда тўплашига экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсири (2004–2006 йилларда ўртача)

Кузги буғдойнинг «Чиллаки» навининг фосфорли ва калийли ўғитларнинг  $P_{70}K_{50}$ ;  $P_{90}K_{60}$ ;  $P_{110}K_{70}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида 15 октябрда экилганидаги майсаларнинг кўпроқ органик моддалар тўплаши билан бирга туplash бўғинида қишладан олдин тўплаган шакар миқдори минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 2,1–5,1 %, шу меъёрлардаги ўғитлар қўлланилиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилганда 1,7–3,5 % ва ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганида 1,4–3,1% кўп тўплаши аниқланган. Бу эса кузда шаклланган буғдой майсаларининг қишки совуқ об-ҳаводан ҳимояланиш даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади (2-расм).



**2-расм.** Кузги буғдой «Чиллаки» навининг кузги амал даврида туплаш бўғинида шакар тўплашига экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсири (2004-2006 йилларда ўртача)

Кузги буғдойнинг «Чиллаки» навининг фосфорли ва калийли ўғитларнинг  $P_{70}K_{50}$ ;  $P_{90}K_{60}$ ;  $P_{110}K_{70}$  кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида 15 октябрда экилганидаги майсаларнинг кўпроқ органик моддалар тўплаши билан бирга туплаш бўғинида қишладан олдин тўплаган шакар миқдори минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 2,1–5,1 %, шу меъёрлардаги ўғитлар қўлланилиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилганда 1,7–3,5 % ва ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганида 1,4–3,1 % кўп тўплаши аниқланган. Бу эса кузда шаклланган буғдой майсаларининг қишки совуқ об-ҳаводан ҳимояланиш даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажирибаларда майсаларнинг қишга чидамлилиги ўрганилганда, «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг оширилган меъёри ( $P_{110}K_{70}$  кг/га) билан озиклантирилганда, майсаларининг қишки ўзгарувчан ноқулай шароитларга чидамлик даражаси юқори бўлиши кузатилган. «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X),  $P_{70}K_{50}$  кг/га меъёрдаги ўғит билан озиклантирилиб экилганида РК қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан майсаларининг сақланувчанлилик даражаси 2,7 %,  $P_{90}K_{60}$  кг/га қўлланилганда 4,1 % ва  $P_{110}K_{70}$  кг/га қўлланилганда эса 5,9 % кўпроқ сақланиши аниқланган.

Буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X) экилганда, қўлланилган ўғитларнинг меъёрларига боғлиқ равишда 6–11 майда пишиб етилиб, экилганидан токи пишиб етилишигача бўлган давр 203–208 кунни ташкил этганлиги аниқланган. Ноябрь ойининг бошида экилганда (1.XI) амал даври 12–17 майгача давом этиб 9 кунга, ноябрь ойи ўртасида экилгандаги (15.XI) амал даври 16–21 майгача давом этиб, октябр ойининг ўртасида экилгандагига нисбатан 20 кунгача кечроқ бўлиши кузатилган. Ҳар хил муддатларда экилиб, турли меъёрларда озиклантирилган кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави амал даврининг сезиларли даражада қисқариши туплаш ва найчалаш фазаларида қайд этилган.

Кузги буғдойнинг барг сатҳининг ўсиши экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқ равишда бошоқлаш фазасигача ошиб

бориб, пишиш фазасига яқинлашган сайин бу кўрсаткичнинг пасайиб бориши аниқланган. Бироқ, октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитлар меъёрлари оширилиб борилгани сайин минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан барг сатҳини 0,38–1,05 м<sup>2</sup> гача ошиб бориши кузатилган. Минерал ўғитлар бир хил меъёрларда қўлланилиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилганида назорат вариантыга нисбатан 0,35–1,01 м<sup>2</sup> ва ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганда эса 0,47–1,16 м<sup>2</sup> юқори бўлиши кузатилган.

Тажрибаларда фотосинтетик соф маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўрганилганда кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави N<sub>150</sub>P<sub>70</sub>K<sub>50</sub> кг/га меъёрда ўғит қўлланилиб, октябрь ойининг ўртасида (15.X) экиб етиштирилганида найчалаш фазасидаги фотосинтетик соф маҳсулдорлик миқдори NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан бир кунда 0,07 г/м<sup>2</sup> га ортиши аниқланган. Шу меъёрда озиклантирилиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) экиб етиштирилгандаги фотосинтетик соф маҳсулдорлик кўрсаткичлари назорат вариантыга нисбатан 0,27 г/м<sup>2</sup>, ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганда 0,19 г/м<sup>2</sup> га юқори бўлган. Худди шундай қонуният турли муддатларда экилиб, минерал ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га ва N<sub>210</sub>P<sub>110</sub>K<sub>70</sub> кг/га меъёрларда қўлланилганида ҳам такрорланган. Октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>70</sub>K<sub>50</sub> кг/га меъёри қўлланилганда NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан фотосинтетик соф маҳсулдорликнинг 0,50 г/м<sup>2</sup>, минерал ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёрда қўлланилганда 1,52 г/м<sup>2</sup>, N<sub>210</sub>P<sub>110</sub>K<sub>70</sub> кг/га меъёрга оширилганда эса 2,10 г/м<sup>2</sup> гача ошиши аниқланган.

Худди шундай қонуният ноябрь ойининг бошида (1.XI) ва ўртасида (15.XI) экилганда ҳам такрорланиб, назорат вариантыга нисбатан NPK меъёрларига мутаносиб ҳолда, 0,40–1,78 г/м<sup>2</sup> юқори бўлиши кузатилган. Буғдойнинг гуллаш ва сут пишиш фазаларида фотосинтетик соф маҳсулдорлик унинг найчалаш ва бошоқлаш фазаларидагига нисбатан бирмунча пастроқ бўлса-да, эрта экилган ва минерал ўғитлар меъёрлари оширилган тажриба вариантларида NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиши кузатилган.

Бошоқнинг биометрик кўрсаткичлари бўйича таҳлил ўтказилганда, бошоқнинг узун бўлиши кузги буғдойнинг «Чиллаки» навини октябрь ойининг ўртасида (15.X) экиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган (N<sub>180</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га) ва оширилган вариантларида (N<sub>210</sub>P<sub>110</sub>K<sub>70</sub> кг/га) кузатилиб, назорат вариантыга нисбатан 0,4–0,6 см га узунроқ бўлиши аниқланган. Ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилганида қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларига мутаносиб ҳолда NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 0,3–1,2 см, ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экиб, қайд этилган меъёрларда минерал ўғитлар қўлланилганда бошоқлар назорат вариантыга нисбатан 0,3–0,9 см узунроқ бўлиши қайд этилган. Бошоқнинг узун бўлиши бошоқдаги бошоқчалар, бошоқчалардаги ва битта бошоқдаги донлар сонига ижобий таъсир этишини кўрсатган.

## 2-жадвал

## Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави ҳосилдорлигининг экиш муддатлари ва озиқлантириш меъёрларига боғлиқлиги

№	Вариантлар	Ҳосилдорлик, ц/га				НРК меъёрига нисбатан фарқ, ц/га ±	Экиш муддатига (15.X) нисбатан фарқ, ц/га, ±
		2005 й. M ± m	2006 й. M ± m	2007 й. M ± m	Ўртача		
15.X. экилганда							
1	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	40,3±0,24	38,9±0,16	41,1±0,23	40,1	-	-
2	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	60,4±0,23	59,5±0,13	61,8±0,49	60,6	+20,5	-
3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	65,2±0,15	64,8±0,09	66,4±0,22	65,5	+25,4	-
4	N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub>	71,1±0,07	68,5±0,20	71,7±0,34	70,4	+30,3	-
1.XI. экилганда							
5	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	39,2±0,09	37,1±0,09	40,0±0,09	38,8	-	-1,3
6	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	58,5±0,13	57,3±0,19	59,1±0,13	58,3	+19,5	-2,3
7	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	62,4±0,36	61,5±0,19	63,8±0,11	62,6	+23,8	-2,9
8	N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub>	65,5±0,25	63,1±0,09	66,4±0,24	65,0	+26,2	-5,9
15.XI. экилганда							
9	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	37,2±0,20	36,3±0,19	37,8±0,09	37,1	-	-3,0
10	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	55,4±0,25	53,2±0,16	55,4±0,17	54,7	+17,6	-5,9
11	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	57,3±0,24	56,7±0,15	57,1±0,25	57,0	+19,9	-8,5
12	N <sub>210</sub> P <sub>110</sub> K <sub>70</sub>	59,3±0,16	58,1±0,09	60,2±0,13	59,2	+22,1	-11,2
ЭКФ <sub>05</sub> =ц/га А фактор		0,36	0,98	0,40			
ЭКФ <sub>05</sub> =ц/га Б фактор		0,30	0,86	0,34			
ЭКФ <sub>05</sub> =ц/га АБ фактор		0,18	0,50	0,20			

Кузги буғдойнинг дон чиқими даражаси ўрганилганда «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилганда қуруқ модда ва дон массасининг кейинги муддатларда (1.XI ва 15.XI) экилгандагига нисбатан кўпроқ бўлишига қарамасдан, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилганда кейинги муддатларда экилгандагига нисбатан сомонининг донга нисбати 0,1–1,7 % гача ошишини кўрсатган.



Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави Қашқадарё вилоятининг бўз-ўтлоқи тупроғи шароитида 15 октябрда экилиб, минерал ўғитлар билан  $N_{150}P_{70}K_{50}$  кг/га меъёрда озиклантирилгандаги дон ҳосилининг ўртача уч йиллик кўрсаткичи 60,6 ц/га ни ташкил этгани ҳолда, NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 20,5 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган (2-жадвал).

Шунингдек, минерал ўғитлар тавсия этилган меъёрда қўлланилганда дон ҳосили NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 25,4 ц/га, минерал ўғитлар меъёри оширилганда эса қўшимча дон ҳосили 30,3 ц/га ни ташкил этган. Кузги буғдойнинг ушбу нави ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилиб, минерал ўғитлар юқорида қайд этилган меъёрларда қўлланилганда, NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дон ҳосили 19,5 ц/га дан 26,2 ц/га гача ошиб борган. Мақбул муддатда экиб (15.X), озиклантириш ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) ҳисобига олинган қўшимча дон ҳосили 1 ой кечиктирилиб экилганга нисбатан 11,2 ц/га (15,9 %) гача ошиб, NPK самарадорлиги 15,6 % бўлган.

Тадқиқотларда дон сифат кўрсаткичларининг экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқлиги таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотлар олинган. Минерал ўғитлар тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёридан оширилиб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) ва камайтирилиб ( $N_{150}P_{70}K_{50}$  кг/га) қўлланилганида назорат вариантыга нисбатан дон сифатини белгиловчи кўрсаткичлардан 1000 та дон вазни 0,7–2,9 г гача, натура оғирлиги 5–10 г/л гача ва шишасимонлик даражаси 2–11% гача ошиши кузатилган.


Нав октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилганда 1000 та дон вазни 40,5–43,2 г, ноябрь ойининг бошида экилганда (1.XI) 39,7–42,4 г ва ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганда 38,3–41,2 грамм бўлган. Худди шундай ҳолат, доннинг натура оғирлиги ва шишасимонлик даражаси бўйича ҳам такрорланган.

Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг ишлаб чиқаришга тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёри оширилиб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$ ) ва камайтирилиб ( $N_{150}P_{70}K_{50}$  кг/га) қўлланилганида, назорат вариантыга нисбатан дон таркибидаги оксилнинг 0,3–0,9% гача ошиши аниқланган. Оксилнинг буғдой дони таркибида NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан ошиши, ушбу навни ноябрь ойининг бошида (1.XI) ва ўртасида (15.XI) экилганда ҳам такрорланган. Шундай қонуният буғдой дони таркибидаги клейковина миқдори бўйича ҳам кузатилган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» нави ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрлари таъсирини иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойнинг тезпишар навларини турли экиш муддатлари, озиклантириш меъёр ва нисбатларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда рентабеллик даражалари батафсил баён этилган.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави турли муддатларда экилиб, минерал ўғитлар билан меъёридан оширилиб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) озикланти-

рилганда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидагича бўлган. Кузги буғдойни минерал ўғитлар билан озиклантирилмаган назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёридан оширилиб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) озиклантирилгандаги олинган қўшимча соф фойда 148003 сўм/га, рентабеллик 16,3 % гача ошиб борган. Мақбул муддатда (15.X) экиш ҳисобига олинган соф фойда 111599 сўм/га, рентабеллик эса 26,9 % гача ошиши аниқланган (3-расм).



*3-расм. Кузги буғдойнинг «Чиллаки» навини етиштиришида рентабелликнинг экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқлиги (2005–2007 йиллардаги ўртача маълумотлар бўйича)*

Диссертациянинг «Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави ҳосилдорлигига мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрининг таъсири бўйича ишлаб чиқариш синови ва амалиётга тадбиқ этилиши» деб номланган бешинчи бобида ўтказилган дала тажрибаларимиз натижалари бўйича Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, ҳар гектар ер ҳисобига минерал ўғитларнинг  $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га меъёри қўлланилганда дон ҳосили 70 ц/га дан ҳам юқори бўлган ушбу варианты кенг майдонларда синаб кўрилганлиги қайд этилган. Бунда дала тажрибасида энг юқори ҳосил берган кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X) экилганда Косон туманидаги «Равшан Эролов» фермер хўжалигининг 10 гектар майдонида минерал ўғитлар билан  $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га меъёрда озиклантирилганда 2008 йилда 69,8 ц/га дон ҳосили олинган. 2009 йилда эса 15 гектар майдонда синаб кўрилганда ушбу кўрсаткич 70,1 ц/га ни ташкил этган. Худди шундай натижа Косон туманидаги «Қулманов Умир» фермер хўжалигида ҳам тақдорланган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойнинг «Яксарт» нави ҳосилдорлигига мақбул экиш муддати ва озиклантириш меъёрининг таъсири бўйича ишлаб чиқариш синови натижалари» деб номланган олтинчи бобида ўтказилган дала тажрибаларимиз натижалари бўйича Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида 2016-2017 йилларда кузги буғдойнинг «Яксарт» нави юқоридаги тажриба тизими бўйича экиб, озиклантирилганлиги қайд этилган. Бунда дала тажрибасида энг

юқори ҳосил берган кузги буғдойнинг «Яксарт» нави Косон туманидаги «Кулманов Умир» фермер хўжалигининг 10 гектар майдонида октябрь ойининг ўртасида (15.X) экиб, минерал ўғитларнинг  $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га меъёрида озиклантирилганда 2016 йилда 64,5 ц/га дон ҳосили олинган. 2017 йилда ҳам 10 гектар майдонида синаб кўрилганда ушбу кўрсаткич 65,0 ц/га ни ташкил этган. Худди шундай натижа Косон туманидаги «Равшан Эролов» фермер хўжалигида ҳам такрорланган.

Тажрибанинг самарали кўрсаткичи кенг майдонларда синаб кўрилганида ҳам тажриба майдонидан олинган кўрсаткич билан ишлаб чиқариш синови ўртасидаги фарқнинг жуда кам бўлганлиги кузатилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Республикамизнинг жанубида жойлашган Қашқадарё вилоятининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида тезпишар «Чиллаки» навини экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиши ва ривожланиши, қишга чидамлилиги, фотосинтетик маҳсулдорлиги, дон ҳосили ва сифати сезиларли даражада ўзгариб боради.

2. Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёридан ошириб ( $P_{110}K_{70}$  кг/га) озиклантирилганда, униб чиқишидан туплашигача бўлган давр 13–14 кунни ташкил этиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) ёки ўртасида (15.XI) экилгандагига нисбатан 3–4 кунгача тезлашиши, худди шундай ижобий ҳолат майсаларнинг туплаш бўғинининг жойлашиш чуқурлиги ва тупланиш даражаси бўйича ҳам кузатилади.

3. «Чиллаки» нави фосфорли ва калийли ўғитларнинг ( $P_{70}K_{50}$ ;  $P_{90}K_{60}$ ;  $P_{110}K_{70}$  кг/га) меъёрлари фонларида октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилганда майсаларининг қишлашдан олдинги даврида ноябр ойининг ўртасида (15.XI) экилганга нисбатан 100 та майсанинг қуруқ массаси 19 граммгача, туплаш бўғинида тўпланган шакар миқдори назорат вариантыга нисбатан 2,1–5,1% га, шу меъёрлардаги ўғитлар қўлланилиб, ноябрь ойининг бошида (1.XI) экилганида 1,7–3,5 % ва ноябрь ойининг ўртасида (15.XI) экилганда 1,4–3,1 % кўп тўплайди.

4. Ўсиш ва ривожланиш даврларининг давомийлиги экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларига боғлиқ равишда ўзгариб бориб, мақбул муддатда экиб, озиклантирилганда (15.X) қўлланилган ўғитларнинг меъёрларига боғлиқ равишда 207 кундан 202 кунгача давом этади. 15 кун кейин (1.XI) экилганда 197–193 кунни, 30 кун кейин (15.XI) экилганида 187–182 кунни ташкил этиб, минерал ўғитлар меъёрлари оширилганда амал даври 5 кунгача қисқаради.

5. Тезпишар «Чиллаки» нави октябрь ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёрларидан оширилган меъёрлари ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) қўлланилганда бошоқдаги бошоқчалар сони 19,2 дона, битта бошоқдаги дон сони 53,2 дона, бошоқчалардаги дон сони 2,77 дона, битта бошоқдаги дон массаси 2,3

граммни ташкил этади. Худди шу меъёрда озиклантирилиб, бир ой кечиктирилиб (15.XI) экилганда ушбу кўрсаткичларнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилади.

6. Дон чиқими даражаси кузги буғдойни тезпишар «Чиллаки» навини октябр ойининг ўртасида (15.X) экиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган ( $N_{180}P_{90}K_{60}$  кг/га) меъёрларидан оширилган меъёрлари ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) меъёрлари билан озиклантирилганда минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 2,4 % гача (41,9-39,5 %) ошиб боради.

7. Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X) экилиб,  $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га меъёрда озиклантирилганда, NPK қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 30,3 ц/га юқори ҳосил етиштирилади. Макбул муддатда (15.X) экиб, шу меъёрда ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) озиклантириш ҳисобига 1 ой кечиктириб (15.XI) экилгандагига нисбатан 11,2 ц/га (15,9 %) қўшимча дон ҳосили олинади.

8. «Чиллаки» нави минерал ўғитларнинг оширилган ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) меъёрлари билан озиклантирилиб, октябр ойининг ўртасида (15.X) экиб, етиштирилганда дон сифатини белгиловчи кўрсаткичлари 1000 та дон вазни ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан 1,9–2,7 г, натура оғирлиги 11–20 г/л, шишасимонлиги 5–10 %, оксил 0,6–0,9 % ва клейковина 1,3–1,8 % юқори бўлади.

9. Кузги буғдойнинг тезпишар «Чиллаки» нави октябр ойининг ўртасида (15.X) экилиб, минерал ўғитларнинг тавсия этилган меъёри оширилиб ( $N_{210}P_{110}K_{70}$  кг/га) озиклантирилганда минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан соф фойда 148003 сўм/га, рентабеллик 16,3 % бўлган бўлса, бир ой кечиктириб, яъни ноябр ойининг ўртасида (15.XI) экиб шу меъёрда озиклантирилгандагига нисбатан соф фойда 111599 сўм/га, рентабеллик 26,9 % гача ошиб боради.

10. Қашқадарё вилоятининг иқлим шароити ноқулай (шамол эрозиясига учраган) чўл ҳудудларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг тезпишар навларини:

октябр ойининг ўртасида (15.X) экилганда минерал ўғитлар меъёри  $N - 210$ ,  $P - 110$ ,  $K - 70$  кг/га, шундан  $P_2O_5 - 110$  кг/га,  $K_2O - 70$  кг/га экиш олдидан,  $N - 210$  кг/га: баҳорги туплаш фазасида  $N - 73,5$  кг/га (35 %), найчалаш фазасида  $N - 73,5$  кг/га (35 %), бошоқлаш фазасида эса  $N - 63$  кг/га (30 %) меъёрларда;

ноябр ойининг бошида (1.XI) экилганда минерал ўғитлар меъёри  $N - 180$ ,  $P - 90$ ,  $K - 60$  кг/га, шундан  $P_2O_5 - 90$  кг/га,  $K_2O - 60$  кг/га экиш олдидан,  $N - 180$  кг/га: баҳорги туплаш фазасида  $N - 63$  кг/га (35 %), найчалаш фазасида  $N - 63$  кг/га (35 %), бошоқлаш фазасида эса  $N - 54$  кг/га (30 %) меъёрларда;

ноябр ойининг ўртасида (1.XI) экилганда минерал ўғитлар меъёри  $N - 150$ ,  $P - 70$ ,  $K - 50$  кг/га, шундан  $P_2O_5 - 70$  кг/га,  $K_2O - 50$  кг/га экиш олдидан,  $N - 150$  кг/га: баҳорги туплаш фазасида  $N - 52,5$  кг/га (35 %), найчалаш фазасида  $N - 52,5$  кг/га (35 %), бошоқлаш фазасида эса  $N - 45$  кг/га (30 %) меъёрларда озиклантириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПРИ ПРИСУЖДЕНО  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИШМУХАМЕДОВА РАЪНО ЧАРИЕВНА**

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ПОСЕВА И НОРМЫ ПИТАНИЯ НА  
УРОЖАЙНОСТЬ ПШЕНИЦЫ СКОРОСПЕЛОГО СОРТА ЧИЛЛАКИ**

**06.01.08 – Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Qx127**

Диссертации доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Ирназаров Исматулла</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ибрагимов Назирбай Мадримович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Худайкулов Жонибек Бозарович</b> кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	Научно-исследовательский институт растениеводства

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 по присуждению ученой степени при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, (НИИССАВХ) Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирован за № \_\_\_\_). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**Ш.Нурматов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.с.х.н., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Учёный секретарь научного совета по присуждения  
учёных степеней, к.с.х.н., старший научный  
сотрудник

**Ж.Х.Ахмедов**

Председатель научного семинара по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мировой практике особое внимание уделяется получению высоких и качественных урожаев зерна за счет применения ресурсосберегающих технологий, являющихся важной сферой сельского хозяйства. В США, Франции, Австралии, России, где возделывают зерновые, 70 % урожая получают за счет внедрения ресурсосберегающих технологий.

